

## ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИҚДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

**Ўрақов Жасур Рустамалиевич**

*Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги*

*Академияси мустақил изланувчиси*

**Хасанов Жололиддин Камолиддин ўғли**

*Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги*

*Академияси 317 гуруҳ курсанти*

**Аннотация:** *Ушбу мақолада, тазйиқ ва зўравонликларнинг юзага келиши шакллари, уларнинг келиб чиқиши сабаблари, унинг оқибатлари ҳамда уларга қарши курашишда профилактика (катта) инспекторларининг хизматлари тавсифланган.*

**Таянч сўзлар:** *тазйиқ ва зўравонлик, таъқиб этиш, жисмоний ва рухий зўрлаш, ҳимоя ордери, “ respect woman”, ҳимоялаш, реабилитация қилиш.*

*Аёлга бахт беринг, саодат беринг,  
Деманг юрибдику, кулиб жилмайиб.  
Аёл кулиб туриб ўлиши мумкин,  
Дунёни олиши мумкин жилмайиб.*

Мустақилликка эришганимиздан сўнг, малакатимизда аёлларга бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилгани ва бу соҳада бир қанча самарали ишлар амалга оширилаётганлиги шубҳасиздир. Бу сиёсий ҳаракатлардан кўзланган асосий мақсад, юртимизда аёлларнинг рўлини ошириш, уларнинг меҳнатларига одилона баҳо бериш ҳамда уларни ҳар томонлама тазйиқ ва зўравонликлардан ҳимоя қилишга қаратилаётганлигидир.

Шу билан бирга юртимизда аёлларни маънан, жисмонан ривожланишлари, зарур малака ва кўникмаларига эга бўлишлари учун бир қанча ўқув муассасалар фаолияти ҳам йўлга қўйилмоқда ва бу жабҳада сўз юритилганда, шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, табиатан нозик тан соҳибалари бўлмиш аёлларимизга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатлари тез-тез учраб туриши ачинарли.

Тазйиқ ва зўравонлик инсон хулқ-атвори, яъни ахлоқнинг кўриниши бўлиб бу йиллар давомида мавжуд бўлга ва бугунги жамиятимизда ижтимоий одатга айланиб улгурган хатти-ҳаракатлардир.

Тазйиқ – содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилмаган хотин-қизларнинг шаъни ва кадр-қимматини камситадиган ҳаракат, шилқимлик, таъқиб этиш.

Таъқиб этиш – жабрганувчининг хошиш-иродасига қарши, унинг икки ёки ундан ортиқ марта қаршилик кўрсатилганлигига ёхуд огоҳлантирилганлигига қарамай содир этиладиган, жиноятчини қидиришда, у билан оғзаки, телекоммуникация тармоқлари воситасида, шу жумладан интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали ёки бошқа усулларни қўллаш йўли билан мулоқотга киришишда, унинг иш, ўқиш ва яшаш жойига боришда ифодаланган ҳамда жабрланувчида ўз хавфсизлиги учун ҳавотирли қўзғатиладиган

ҳаракатлар<sup>24</sup>дир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 май кундаги ПҚ-5116-сонли “Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизларни реабилитация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорининг ижросини таъминлашга республикаимиз юртимизни ҳар бир вилоятларида махсус реабилитация марказлар йўлга қўйилган. Бу марказларга асосий қонунимизда ҳуқуқ ва эркинликлари поймол этилган, жабр зулмдан азият чеккан аёл ва қизларимиз мурожаатлари ёки ҳудудий профилактика инспекторлари ташаббуси билан олиб келиниб, жабрланган аёлларга ёрдам кўрсатиш бўйича махсус марказларга жойлаштирилади. Маълумот ўрнида айтиб ўтиш жоизки, бугунги кунда бу каби марказларга келиб тушаётган аризалар мазмунининг кўп қисмини, спиртли ичимликлар истеъмоли натижасида аёлларга қилинаётган тазйиқлар натижасида жабрланган аёллар ташкил этади. Зўравонлик ва тазйиқлар оқибатида ҳар йили ярим миллионга яқин одам дунёдан кўз юмади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига қарайдиган бўлсак, 15-44 ёшлар орасидаги кишилар ўлимининг асосий сабаби бу зўравонликдир. Дунё бўйлаб, аёлларининг ҳар 3 таси. Яъни 30 % ўз ҳаёти давомида турмуш ўртоғи ёки бошқа шахс томонидан жинсий ва жисмоний зўравонликларга дучор бўлади<sup>25</sup>. Айнан мана шу статистика маълумолар ўрганилиши оқибатида, юртимизда профилактика инспекторлари зиммасига бир қатор вазифалар юклатилган ва соҳа хизматчиларига юклатилган вазифаларни тўлақонли амалга ошириш мақсадида тегишли ваколатли орган ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда. Жумладан;

- Хотин – қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш боирасида давлат дастурларини, ҳудудий дастурларни ва қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш;

- Тазйиқ ва зўравонликларни олдини олиш, уларни сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш, зўравонлик содир этган шахслар билан мунтазам профилактика ишларини олиб бориш;

- Зўравонлик содир этиш таҳдиди мавжудлиги тўғрисидаги мурожаатларни кўриб чиқиш;

- Зўравонлик содир этишга мойил шахсларга огоҳлантиришлар бериш, ҳимоя ордери бериш;

- Зўравонлик содир этган шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан чоралар кўради.

Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги Гендер сиёсатини ишлаб чиқиш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан биридир. Гендерликнинг ўзи нима? Гендер - бу эркаклар ва хотин-қизлар тенглиги - инсоннинг асосий ҳуқуқларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, гендер тенглик, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг ҳам негизи ҳисобланади<sup>26</sup>. Миллий қонунчилигимизга «гендер» тушунчаси

2019

йил

3 сентябрдаги Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ

<sup>24</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни

<sup>25</sup> [https://www.undp.org/sites/g/files/ofilpans/zskgke326/files/ora/uz/mdg\\_bk\\_uzb\\_preview.pdf](https://www.undp.org/sites/g/files/ofilpans/zskgke326/files/ora/uz/mdg_bk_uzb_preview.pdf)

<sup>26</sup> <https://qoraqalpoq.adliya.uz/uz/news/detail.php?ID=62809>

ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги қонуни билан киритилган бўлиб, унга кўра гендер — хотин-қизлар ва эркеклар ўртасидаги муносабатларнинг жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида, шу жумладан сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ, мафкура ва маданият, таълим ҳамда илм-фан соҳаларида намоён бўладиган ижтимоий жиҳати<sup>27</sup> ҳисобланади.

Гендертенглик атамаси сўнги йилларда, хусусан, юртимизда йил сўзига айланди десак муболаға бўлмайди. Гендертенглик бу эркек ва аёл жинсидаги шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларда тенглиги пиринципидир. Бу тушунчадан келиб чиқиб, мушоҳада қиладигон бўлсак, бу атамани юридик жиҳатдан тўғри талқин қилган ҳолда ёндашишимиз лозим. Оддий мисол, суд жараёнида, оилавий ажиримларда кўпчилик эркеклар оилавий низога сабаб сифатида “хотининг овқат пиширмаётгани”, “уй ишларини вақтида қилмаётганлиги” каби майда келишмовчиликларни рўқач қилиб кўрсатишади. Ваҳоланки, бу шикоятлар икки тарафни айблашда ҳуқуқий жиҳатдан асос бўлмайди. Чунки, ҳеч бир норматив ҳуқуқий-ҳужжатларда оилада хотиннинг бу каби алоҳида вазифалари кўрсатилмаган. Оила кодексининг 2-моддасида Оилавий муносабатларда аёл ва эркекнинг тенг ҳуқуқлилиги<sup>28</sup> белгилаб қўйилган.

Юртимизда хотин-қизларни ижтимоий фаоллигини қўллаб-қувватлаш уларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфатларини ҳимоя қилиш ҳаракатлари жадал равишда давом этмоқда. Бунинг амалдаги натижасини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ижтимоий – манавий муҳитни соғламлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора – тадбирлари тўғрисида”ги ПФ 5938-сонли Фармонида ҳам хотин – қизлар ҳар тамонлама қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб турмуш шароитларини яратиш масаласига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 24-январдаги Олий Мажлисга мурожатномасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида;

- оила институтини мустаҳкамлаш бўйича, энг аввало ”соғлом оила – соғлом жамият” ҳаётга татбиқ этишга йўналтирилган ягона давлат сиёсатини олиб бориш, нотинч ва муаммоли оилаларга манзилли кўмаклашишни ташкил этиш;

- хотин – қизларни қўллаб қувватлашга давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш уларни ҳуқуқ ва манфатларини ҳимоя қилиш, мамлакт ижтимоий – сиёсий ҳаётидаги роли ва фаолигини ошириш, хотин – қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар кафолатларини таъминлаш;

- хотин- қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин қизларга, шу жумладан психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш;

- хотин – қизларнинг бандлигини таъминлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш, хотин – қизларни, айниқса, қишлоқ жойларидаги ёш қизларни оилавий ва хусусий

27 Ўзбекистон Республикасининг ”Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни

28 Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси 2 моддаси.

тадбиркорликка, хунармандчиликка кенг жалб этиш масалаларида ҳар томонлама манзилли қўллаб – қувватлаш вазифалари белгиланди.

Ҳулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, Хотин-қизларни иш ва турмуш шароитини яхшилаш билан бошқа ижтимоий муҳим масала – оила ва фарзанд кўриш ҳамда тарбиялаш истагидан воз кечилмаслигини таъминлаш лозим. Шу боис мамлакатнинг иқтисодий асосларини мустаҳкамлаб бориш ва аҳолининг кам таъминланган қисмини иқтисодий қўллаб-қувватлашни давлат сиёсатида муҳим ўрин тутишини ҳисобга олган ҳолда келгусида аёлларга ижтимоий ишлаб чиқаришда қатнашиш ёки фақат оила ва бола тарбияси билан шуғулланишда эркинлик ҳуқуқини бериш катта аҳамиятга эга. Бинобарин, бу каби энгилликлар яратиш орқали аёллар жиноятчилигига сабаб бўлган бир қатор криминоген ҳолатларнинг олди олинган бўлар эди.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикаси “Хотин – қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 561-сонли қонуни.
3. Ўзбекистон Республикаси “Хотин – қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар тўғрисида”ги қонуни.
4. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси.
5. Ўроқов Ж. Р. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш ва амалга оширишнинг муаммолари //Journal of new century innovations. 2023. – Т. 21. – №.4. – С.44-50.
6. Ўроқов Ж.Р. Маҳаллада ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш ва ўзаро ҳамкорликни мустаҳкалаш <https://inntechcon.uz/index.php/current/article/view/29>
7. Боборахимов А. Б. Ички ишлар органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳамкорлигини “Хавфсиз маҳалла” тамойили асосида самарали ташкил этиш механизмлари //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 19. – №. 1. – С. 99-107.
8. Эгамбердиев В. О. Жиноятнинг махсус субъекти ва унинг жиноий жавобгарлигига доир ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш масалалари //Journal of innovations in scientific and educational research. – 2022. – Т. 5. – №. 4. – С. 518-527.
9. [https://www.undp.org/sites/g/files/flipraps/zskgke326/files/ora/uz/mdg\\_bk\\_uzb\\_preview.pdf](https://www.undp.org/sites/g/files/flipraps/zskgke326/files/ora/uz/mdg_bk_uzb_preview.pdf)
10. <https://qoraqalpoq.adliya.uz/uz/news/detail.php?ID=62809>